

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ЖАҲОН БОЗОРИГА ЯНГИЛИК ОЛИБ КИРГАН ҲУНАРМАНД

Интернет билан боғланиб, операцион қидирув тизими орқали бирор маҳсулотни изласангиз, унинг юзлаб, минглаб намуналарига дуч келасиз. Аммо, Мираббос

Саъдуллаев бошлиқ ҳунармандлар сулоласи тайёрлайдиган антиқа тери гиламларининг муқобилини етти иқлимдан тополмайсиз...



Гап шундаки, дунё ҳаридорлари эътиборини тортаётган бу маҳсулотлар фақат Ўзбекистонда тайёрланади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ҳунармандчилик равнақиға қаратилаётган юксак эътибор самараси ўлароқ, бугунги кунда экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўлами тобора кенгаймоқда. Айниқса, маҳаллий хом ашёдан тайёрланган ҳунармандчилик маҳсулотларимиз бутун дунёда ўз ўрни ва нуфузига эга бўлиб бормоқда. Асли пойтахтлик устазода Мираббос Саъдуллаев ташкил қилган "MMM generation" хусусий корхонаси ҳам ана шундай истиқболли лойиҳалардан бирidir.

Давоми 2-бетда. ➡

«Олтин қалам» XI миллий мукофоти

"Туркистон" саройида 3 май куни Журналистика соҳасида "Олтин қалам" XI Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

РАҒБАТ ВА ЭЪТИБОР ЮКСАК МАРРАЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

Тадбирда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, матбуот хизматлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари, "Олтин қалам" XI Миллий мукофоти учун халқаро танлов ташкилий кўмитаси раиси Ў. Мирзаёров ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида оммавий ахборот воситалари изчил ривожланиётгани, журналистлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани соҳа ходимларини янги ижодий марралар сари илҳомлантираётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ оммавий ахборот воситалари фаолиятига оид миллий қонунчилик такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги

тўғрисида"ги қонуни фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқларини тўла таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш юзасидан масъулиятини кучайтириш, улар фаолияти ҳақида жамоатчиликни кенг хабардор этишга хизмат қилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун халқаро танлов соҳани янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳон матбуот эркинлиги кунига бағишланган танлов Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Журналистларни қайта тайёрлаш маркази томонидан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Миллий телерадиокомпания, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Uzreport" ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Давоми 2-бетда. ➡

ЎЗИМИЗГА ҲАМ, ЭКСПОРТГА ҲАМ ЕТАДИ

Бугун юртимизда Президентимиз раҳнамолигида барча соҳа, жумладан, қишлоқ ҳўжалигида ҳам кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Пировардида, қишлоқ ҳудудларига саноатни олиб кириш, фермер ҳўжа-

ликларида қўшимча тармоқларни ташкил этиш, қишлоқ инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш орқали халқимизнинг турмуш фаровонлиги таъминланиб, мамлакатимиз иқтисодий равнақи барқарорлашапти.

Муносабат

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 апрелдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан

фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чоратadbirlари тўғрисида"ги Қарори соҳада олиб бoриладиган саъй-ҳаракат-

ларни янада кенгайтириш, уни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг муҳим омили бўлди.

Давоми 2-бетда. ➡

НОМЗОДИНГИЗГА ОВОЗ БЕРИШГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Маҳалла тарихан шаклланган, ўзаро ҳамжихатлик, бирдамлик ва меҳр-оқибат тимсоли, маълум бир ҳудуддаги аҳолини бирлаштирадиган мўъжиз бир Ватандир. Маҳалла бўлиб яшаш бизга ота-болаларимиздан қолган улуғ мерос.

Бугуннинг гапи

Истиқлол шарофати билан "Маҳалла" тушунчаси биринчи марта Конституциямизга кириштирилиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми аниқ белгилаб қўйилган. Жумладан, 105-моддада "Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси

қонун билан белгиланади", дея қайд этиб қўйилган. Бундай юксак мақом мамлакатимизда "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг босқичма-босқич амалга ошиётганига ишончли далилдир. Шу йил май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилиши ҳам демократик қонунчиликка асосланган. Айни чоғда вилоятимиздаги 1 миң 158 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирга қизгин тайёргарлик кўриладиган. Хусусан, сайловчилар меъё-

рий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятидан хабардор этилиб, сайловнинг юксак савияда, муқобиллик, ошқоралик ва қонунийлик тамойиллари асосида ўтишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жойларда тузилган кўмаклашувчи комиссиялар сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бормоқда. Сайловни самарали ташкил этиш ва ўтказиш кўп жиҳатдан ишчи гуруҳлар фаолиятига боғлиқ. Айни пайтда, ишчи гуруҳлар томонидан фуқаролар йиғинлари раислари лавозимига қонунчиликда белгиланган талаблар ҳамда муқобиллик принципини инобатга олган ҳолда энг муносиб номзодлар танланмоқда. Шунингдек, уларнинг маслаҳатчила-

ри ҳам ушбу принцип асосида муносиб шахслар орасидан сайланишига эътибор қаратилмоқда. Вилоят бўйича 1 миң 158 нафар раис, унинг 11 миңга яқин маслаҳатчилари сайланиши кутилаётган сайловларда ҳар биримиз фуқаролик ҳуқуқимиздан фойдаланиб, ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнда фаол иштирок этишимиз зарур.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби, вилоятимизда фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови бошланиш арафасида. Бу шунчаки сайлов эмас, ҳар биримизнинг эртанги қуни-орзу-умидларимиз, мақсад-муддасларимизга айна ҳамоҳанг жараёндир. Шундай экан, бу масъулиятли паллада ҳеч биримиз четда турмайлик.

Ҳожимурод ЭРМАТОВ,
Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳўзуридаги кўмаклашувчи комиссия раиси.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

ОДАМИЙЛИК ШАРАФЛАНАДИГАН БАЙРАМ

Мустақилликдан кейинги янги – 1992 йилнинг байрамлари режасини тузиш давлат ва унинг раҳбари олдидаги бирламчи мафкуравий масалалардан бири бўлиб турган эди. Айримлар, шўро давридаги жамики байрамлардан воз кечиш керак, дейишди. Тўғри, собиқ сиёсат чилдирмасига ўйнаган бир қисм байрамлардан воз кечилди, албатта. Аммо 9 май бошқа масала эди.

1997 йили Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов шу сана муносабати билан Тошкент шаҳридаги Қардошлиқ қабристонини зиёратига борган чоғида бу байрам мазмун-моҳияти ҳақида жиддий ўйлаб кўриш кераклиги, шўро даврида одат тусини олган "номаълум аскар қабри" тушунчаси мантисиз экани, ҳар бир жагчининг исми, фамилияси, ота-онаси, манзили борлигини айтиб, ўзбекистонлик уруш қатнашчилари қандайдир номаълум тепаликни эгаллаш учун эмас, аввало, ўз юрти – Ўзбекистонни тақдирини курашганини таъкидлади. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг ҳар бир минтақаси – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан бoриб, жанг майдонларида мардларча ҳалок бўлган номилари қайд этилган бир майдон бунёд этиш ҳақида обдон ўйлаб кўриш масаласини ўртага ташлади.

Орадан икки йил ўтар-ўтмас, яъни 1999 йилнинг 2 мартида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "9 майни Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида"ги Фармони билан бу байрам моҳияти тубдан ўзгарди.

Уша йили қисқа фурсат ичида Тошкентнинг марказида Хотира май-

Маънавият

дони бунёд этилиб, унинг тўрида Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилди. Икки йил бурун илгари сурилган яна бир ғоя амалга ошди: она ҳайкали сари бораверишда икки томонда миллий руҳдаги айвонлар ростланиб, унда Ўзбекистонимизнинг ҳар бир минтақаси учун темир "дафтар"лар ташкил этилди ва уларга юртимиздан бoриб, урушда ҳалок бўлган ҳар бир фуқаронининг муборақ номи битиб қўйилди.

Тафаккурни миллийлаштириш, миллий мафкураини шакллантириш ёш давлат учун шу қадар муҳим эдики, бу – мамлакатнинг мамлакат, давлатнинг давлат бўлиб туришини таъминлайдиган бош омиллардан ҳисобланарди. Шу боис, Хотира ва қадрлаш куни энди миллий хусусият касб этди. Бу байрамнинг мазмун-моҳияти буткул ўзгарди – кенгайди. У умумхалқ хотираси ва инсонини қадрлаш кунига айланди.

Халқ хотираси деган-

да Ватан ибтидосидан бугунига қадар шу юрт, шу халқ деб курашган, куч-қудрати, ақл-заковатини аямаган, керак бўлса, шу йўлда жон фидо қилган не-не буюк зотлар киши кўз ўнги-дан бир-бир ўтади. Спитамен, Широқдан Маҳмуд Торобийгача, Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбекдан Заҳириддин Муҳаммад Бобургача, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубродан Мадаминбекча... ёдга тушаверади.

Хотира ва қадрлаш куни чинакам миллий – умумхалқ байрамига айланди. Шу кунини Ўзбекистоннинг барча қабристонларидан зиёратчилар аримайди.

Бу байрамда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирланади, Афғонистон урушида ҳалок бўлганлар шўро сиёсатининг беғуноҳ қурбонлари сифатида эсга олинади, умуман, жамики ўтганлар руҳи шод этилади.

Ҳам фоний, ҳам боқий дунё марказида Ҳазрати Одам туради. Шунини тан олмаган ҳар қандай ғоянинг мағзи – пуч, пойдевори – бўш, иморати – омонат. Фашизм ҳам, шўро мафкураси ҳам инсонга, унинг табиати, феъл-атвори, мақсад-муддасларига зидлиги, унинг эҳтиёж манфаатларидан келиб чиқмагани учун буткул мағлубиятга учради.

Давоми 2-бетда. ➡

Бандлик дастури – амалда

Тошкент Давлат аграр университетидида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Тошкент вилояти бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, Фермерлар кенгаши, "Ўзвиносоаноат-холдинг" компанияси ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

ЁШЛАРГА АТАЛГАН ИШ ЎРИНЛАРИ

Мазкур тадбир таълим муассасалари битирувчилари учун ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашиш имкониятини берди. Улар корхона ва ташкилотлар, муассасалар, хусусий фирмалар томонидан ўрнатилган кўргазмали воситалар ёрдамида мавжуд иш ўринлари, талаб ва тақдирлар ҳақида батафсил маълумот олишди.

Тадбир доирасида ўқувчи-ёшлар агрономия, мева-сабзавотчилик ва узумчилик, селекция, зоотехника, ипакчилик, ўрмон ҳўжалиги ва доривор ўсимликлари каби бoриб-бoриб битирувчилари бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Шу билан бир қаторда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчилари учун "Очиқ эшиклар куни" ҳам ташкил этилди.

Ярмаркада қирқдан зиёд ташкилот икки юзга яқин битирувчи билан меҳнат шартномалари тузди.

Фаррухбек АШУРАЛИЕВ.



ҚИШЛОҚНИНГ ОБОД ЖАМОЛИ

Қибрай тумани "Ўнқўрғон" маҳалласида "Алиавлод" ийрик савдо мажмуаси иш бошлади.

Кулайлик

Хусусий тадбиркор Элмурод Турсуновнинг савдо-харақати билан барпо этилган мазкур мажмуада озиқ-овқат, мева-сабзавот, саноат моллари, кийим-кечаклар, болалар ўйинчоқлари каби зарур маҳсулотларни харид қилиш, коммунал тўловларни амалга ошириш имконияти яратилди.

Мажмуадаги "ишонч телефони" орқали буюртма берсангиз, уни айтган манзилнингизга етказиб беришади. Шу ернинг ўзида маҳсулотларнинг улгуржи савдоси ҳам ташкил этилган. Тулов мижозга қулай шаклда қабул қилинаётгани харидорларга, айниқса, қўл келмоқда.

Қишлоғимиз йил сайин чирой очиб бормоқда, — дейди маҳалла фаоли Розия Қўчқорова. — Жўмладан, янги савдо мажмуаси қурилгани айтиш мумкин бўлди. Энди харид учун овора бўлиб, шаҳар ёки туман марказига боришга ҳожат йўқ.

Энг муҳими, расталардаги маҳсулотлар, кийим-кечак ва озиқ-овқатларнинг нархи ҳам ҳамёнбоп.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

Ҳамма ёқда номаълум аскарнинг рамизй қабрига дуч келар эдик... Холбуки, жангда ҳалок бўлган тирик жоннинг ҳеч бири номаълум эмас эди. Хар бирининг ота-онаси, шаҳри-кишлоғи, маҳалла-қўйи, қавму қариндоши, қўни-қўшини бор эди. Шўро сиёсати бу билан ҳисоблашиб ўтирмади. Очиги, ўтган замонда қурбонларни хотирлаш ҳам, тирик қолганларнинг қадрига етиш ҳам шунчаки, расмийат учун эди, ҳолос.

Энди Хотира майдонидаги Мотамсаро она сиймоси пойига битилган: "Сен доимо қалбимдасан, жигарим!" деган сўзларнинг инсонийлигини, самимийлигини ўйлаб, юракдан ҳис этиб кўрайлик. Умрининг сўнгги лаҳзасига қадар кўзларида ёши қуримай, жигарпорасини кутиб ўтган қанчадан-қанча мотамсаро она бор эди!

9 майнинг Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиниши бизда сиёсатнинг инсонийлашганидан, давлатнинг халққа қайишганидан далolat беради. Истиқлол йилларида 35 йиллик "Хотира" китоби чоп этилиб, кейин шу китоб асосида уруш қурбонларининг номи Хотира майдонида ўрнатилган темир "дафтар"га зарҳал харфлар билан битиб қўйилди. Бу ерга зиёратга келган ҳар бир ватандошимиз, албатта, ўз жигари, ҳеч бўлмаганда, бирор қўшини-

Хунармандлар оиласининг қўл меҳнати орқали табиий теридан тайёрлаган гиламлари ҳақунда нафақат юртимиз, балки жаҳон бозорларида ҳам жуда харидордир. Ушбу гиламларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири инсон саломатлиги учун фойдалилигида. Оёқ остига тўшалганда кишини ревматизмдан асрайди. Ҳам саломатлигини, ҳам эстетик гўзаллигини таъминлайди. Ажойиб. Қатор хорижий давлатлардаги халқаро кўргазмаларда ўз маҳсулотлари билан иштирок этиб келадиган Мираббос ака бугунги кунда хорижлик ҳамкорлар билан манфаатли шартномалар имзолаган.

— Болам, бировнинг ҳақидан кўрқкин. Ҳеч қачон ёрдам сўраган инсондан кўмагининг аяма. "Бой ақли бўлди, камбағал жаҳли", дейди машойиҳлар. Бу гапларни икки қўлнингга қўйиб ол. Имонли,

Бошланғич 1-бетда.

инсофли, покиза ва ҳалол одам бой ҳисобланади. Аксинча, бу ҳислатлардан бебаҳра инсон пули кўп бўлса ҳам қашшоқдир...

Отасининг ана шу ўғитлари ҳалигача Мираббос аканинг қўлоғи остида жаранглаб туради. Фарзандларига ҳам доимо шу гапларни такрорлайди.

— Биринчи марта Хитойдаги халқаро гиламлар кўргазмасида иштирок этганимизда, кўнглимда "Маҳсулотларимизни қандай қабул қилишар экан?", деган ҳадик бор эди. Шўрки, бизнинг гиламларимиз кўргазмада биринчи ўринни эгаллаб, мутахассисларнинг олиқишига сазовор бўлди. Бу эса ўзимизга бўлган ишончни янада оширди, — дейди Мираббос ака.

ЖАҲОН БОЗОРИГА ЯНГИЛИК ОЛИБ КИРГАН ҲУНАРМАНД

Турмуш ўртоғи Мохира опа билан 3 ўғил ва бир қизни тарбиялаб, вояга етказган уста бугунги кунда ўз хунарини фарзандларига топширган. Устоз-шогирд аънасини давом эттириб келадиган сулола давомчилари ота касбидан камол топганлардан. Уста хунарманднинг кўзларида мамнуният, сўзларидан замонадан шўкроналик сезилиб туради.

— Хунармандлар авлодидан бўлганим сабабли, фарзандларимни ҳам шу аънаналар асосида тарбияладим. Ўғилларим Мирвоҳид, Миробид, Мирбобурлар бугунги кунда ишимни қўлимдан олиб, оғиримни енгил қилишмоқда. Қизим Муборакнинг 14 ёшли ўғли Миразим эса бизнесимизнинг асосчиси, деса муболага бўлмайди.

Айнан набирамнинг ташаббуси билан табиий теридан ҳайвонлар ва қўшлар тасвири туширилган гиламлар ишлаб чиқаришни бошлаганимиз. Бугунги кунда ёш бўлишига қарамай у ҳам қўли гул уста бўлиб етишди.

Ҳозирда дунёда ягона бўлган хунарманд гиламларининг сифати дунё бозорида юксак баҳолалиб, унга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. 2013 йилдан бошлаб хорижга экспорт қилинаётган гиламларнинг харидорлари янада кўпайди. Бу эса мамлакатимизда хунармандчилик равнақиға яратилган шароитларнинг самарасидир.

— Болалигимда кўплаб усталар хунарини ўргатиш олдидан шогирдларига: "Бу ерга келиб

хунар ўрганаётганини ҳеч ким билмасин, ҳатто энг яқин одамингга ҳам айтма", дея уқтиришарди. Негаки, ўша вақтларда бу нарсаси қаттиқ таъйиқ остига олинганди. Собиқ мустамлака тузуми даврида бобом Мирсултон отани икки дона қорақўл тери сабаб қамоққа олиб, сургун қилиб юборишгани ҳақида отам тез-тез айтиб берардилар. Шу сабабдан биз ҳам эмин-эркин бобомерос касб билан шуғуллана олмадик. Шўрки, юртимиз истиқлолга эришган дастлабки йиллардан бошлаб биз каби хунармандларнинг елкасига офтоб теги. Бунинг натижаси ўлароқ, бугунги кунда ўз маҳсулотларимизни хорижга олиб чиқиш имконига эга бўлибдик.

Мираббос аканинг оиласи тайёрлайдиган гиламлар куя эмаслиги, кўрт тушмаслиги, тери ёғсиз ва ҳидсизлиги, доим жиллолиби туриши, энг муҳими, 5-6 аср хизмат қилиши билан бошқа ҳар қандай турдош маҳсулотлардан ажралиб туради. Шу сабабдан бугун унинг бозори чакқон. Дунёда харидорлари сероб.

Яқинда вилоят ҳокимлигида Мираббос Саъдуллаев билан учрашув ташкил қилинди. Тадбирда бу хунарни вилоят касб-хунар коллежлари ўқувчилари орасида омалаштириш ва шундай гиламлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган цехлар фаолиятини йўлга қўйиб, коллежлар битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласи муҳокама қилинди.

— "Хунарни асрабон нетгумдир охир, олиб туфроққа кетгумдир охир", деганлар ҳазрат Навоий. Шундай экан, мен ҳам бу хунарни ёшларга бажонидил ўргатаман. Вилоят туман ва шаҳарларидаги коллеж талабалари ичидан лаёқати бор ёшларни саралаб олиб, уларни ҳам келажакда моҳир хунарманд қилиб етиштириш энг катта мақсадим, — дейди Мираббос Саъдуллаев.

Бу эзгу ташаббус ёшларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш билан бир қаторда, уларга ҳаётда ўз ўринларини топишлари учун яна бир имконият-дир.

"Хунар — зар, хунарманд — заргар", дейди халқимиз. Мираббос ака сингари касбидан камол топган инсонларни кўрганимизда бу ҳаётий сўзларнинг нақадар ҳаққоний эканлигига яна бир бор амин бўламиз.

Фарҳод ТОЛИҚОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

РАҒБАТ ВА ЭЪТИБОР ЮКСАК МАРРАЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

«Олтин қалам» XI миллий мукофоти

Танлов телевидение, радио, босма оммавий ахборот воситалари ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича ўтказилади. Унда битта Бош миллий мукофот, ҳар бир йўналиш бўйича учтадан мукофот ҳамда "Энг яхши матбуот хизмати" ва "Энг яхши фоторепортаж учун" рағбатлантирувчи номинациялар таъсис этилган.

"Олтин қалам" танловида ўтган йиллар давомида 5 мингга яқин журналист 70 мингга яқин ижодий материал билан қатнашган. Бу йилги танловда 510 ижодкор 8 минг 500 га яқин материални тақдим этган.

"Олтин қалам" XI Миллий мукофоти учун халқаро танловда Бош миллий мукофот соҳиби, телевидение, радио, босма оммавий ахборот воситалари ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича қолиблар, шунингдек, "Энг яхши матбуот хизмати", "Энг яхши фоторепортаж учун"

Бошланғич 1-бетда.

рағбатлантирувчи мукофотлар соҳиблари аниқланди.

Танлов доирасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган. Шунингдек, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Ахборот маркази, ЮНЕСКО, ЮСАИД, "Минтақавий мулоқот" (Словения), Германия Халқ университетлари ассоциацияси каби қатор халқаро ташкилотлар ваколатхоналари ҳам "Олтин қалам" танловида ўз мукофоти билан қатнашди.

Ижодий лойиҳани ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотихорид ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди.

"Тошкент телерадиоканали" ДУК ижодий жамоаси "Олтин қалам" XI Миллий мукофоти учун ўтказилган халқаро танловда Бош миллий мукофотга лойиқ топилди. Қолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишон, статуеткаси ва мамлакатимизда белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридagi пул мукофоти билан тақдирланди.

Президентимиз томонидан медиа соҳа вакилларига кўрсатилаётган юксак эъти-

бор ва ғамхўрлики, доимий рағбатни қўллади фаолиятимизда ҳис этмоқдамиз, — дейди "Тошкент телерадиоканали" директори М. Сафаров. — Мамлакатимизда кечадиган демократик ислохотлар жараёни жамият ҳаётининг барча жабҳаларида, юртдошларимиз тафаккурда, тақдирда мислсиз ижобий ўзгаришлар ясамоқда. Бундай масъулиятли жараёнда журналист сўзининг таъсирчанлигини янада ошириш, ён-атрофдаги воқеа ва

ҳодисаларга теран, сезгирли билан муносабатда бўлиш бизнинг энг асосий бурчимиздир.

Қолиб ва совриндорларга диплом ва совғалар, пул мукофотлари топширилди. Санъат усталари ва ёш ижорчилар иштирокида концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳодиев сўзга чиқди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.



9 май — Хотира ва қадрлаш куни

дан кўчириб келинган 1 миллиондан ортиқ аёллар, кексалар ва етим болаларни ўз бағрига олди.

Мутаносиблик, миллийлик, инсонийлик, рағбат бирлашган жойда ҳаёт дарахти гуллаб-яшнайверади.

корга ўтказмаслик, Ватанга қўлдан келгани қадар фидойиларча хизмат қилиш фикрини мустаҳкамламоқчи бўлса, шу пок руҳлар кезиб юрган муқаддас маконни зиёрат қилсин!

Тўрадаги мотамсаро она ҳайкали Ватан рамзи. "Сен доимо қалбимдасан, жигарим!" деган сўзларини она гўё Ватан бўлиб, халқ бўлиб айтаётгандек...

Президентимиз таъкидлаганидек: "Биз ғалабага шонли ҳисса қўшиб, инсониятни фашизм балосидан ҳалос этиш йўлида жонини қурбон қилган ота-боболари кўзларини оғир қилиб қўйиб, халқ бўлиб айтаётгандек..."

Шундай қилиб, истиқлол йилларида байрамларимизга муносабатимиз тубдан янгилангани орқали миллий онгимиз, инсоний тушунчаларимиз, фалсафий оламимиз бутунлай юксалаётгани, XXI асрга таъминланган бошқача руҳий-маънавий дунёқараш билан кириб келганимизни пайқаш қийин эмас.

Ҳаёт — ҳамиша ширин. Байрамлар инсоннинг қалб торларини черта олиши билан умрини янада файзиёб қилади, одамларни элу юртни кўпроқ севмишга ундайди, оламда меҳр-мурувват, хурмат-эътибор, қадр-қиммат, меҳр-оқибат уруғлари кўпроқ сочилишига ҳисса қўшади.

Пойтахтнинг Хотира майдони зиёрати кишида камида шундай ҳис-туйғу ва фикр-уйлар уйғотади. Энди кимки инсонийлик қадриятининг бир лаҳза бўлсин, дилдан ҳис этмоқчи, ҳаётини бе-

ладиган бўлди. Шунингдек, ушбу пул мукофотларини тантанали ва байрамона вазиятда топшириш белгиланди. Бу байрам мазмунидagi қадрлаш моҳиятининг амалий жиҳатини намойён этади.

Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан 1 миллион 433 минг 230 киши иштирок этди. 604 минг 52 ҳамюртимиз уруш майдонларидан ногирон бўлиб қайтди, 450 мингдан ортиқ ватандошимиз ҳалок бўлди.

Ўзбекистон фронт ҳудудлари-

Хотира ва қадрлаш кунини муносиб нишонлашдан кўзлаган бош мақсадимиз — Ватан ҳимоячиларини хотирлаш, орамиздаги фидойи инсонларнинг, тинчликнинг қадрига етиш, урушни қоралаш, осовийшта яшаётганимиз, фаровонлигини таъминлаш учун тер тўкиб, меҳнат қилаётганимизнинг шўкронасини қилишдан иборат.

Бу ҳар қандай кишини маънан рағбатлантиради, яшашга, яратишга, элу юртга садоқат ва қатъият билан хизмат қилишга ундайди.

Султонмурод ОЛИМ,
вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг профессори вазифини бажарувчи.

ЎЗИМИЗГА ҲАМ, ЭКСПОРТГА ҲАМ ЕТАДИ

Маълумки, жаҳон миқёсида давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз туфайли кўпгина мамлакатларда иқтисодиётнинг етакчи соҳалари, хусусан, қишлоқ хўжалиги жиддий таназзулни бошдан кечирмоқда. Натижада, қатор давлатларда озиқ-овқат танқислиги, одамлар тўйиб овқатланмаслиги сингари ҳолатлар кузатилаётган. Шундай мураккаб шароитда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатида барқарор юксалишга эришилаётган. Ўз навбатида, бу дунё ҳамжамиятининг алоҳида эътирофи сазовор бўлмоқда.

Жўмладан, яқинда Испания пойтахти Мадрид шаҳрида "Ўзбекистон агро-саноат тизими" мавзuida ўтказилган бизнес-форум фикримиз тасдиқидир. Мазкур анжуманда қатнашган Испания вазирликлари ва идоралари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган йирик корхоналар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар мамлакатимиз эришаётган натижаларга юксак баҳо берди. Хусусан, Саноат ускуналари ишлаб чиқарувчилар миллий уюшмаси — "SERCOTE"нинг Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари бўйича менежери Эктор Родригез Ўзбекистонни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган етакчи давлатлардан бири сифатида қайт этиб, мамлакатимизнинг қулай географик жойлашуви ҳамда чет эл инвесторларига яратилган имтиёз ва шароитларни алоҳида таъкидлади. Шунингдек, "ICEX" компанияси директори ўринбосари Сонсолес Уидобро бугунги кунда Ўзбекистон минтақада иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланаётган ягона мамлакат экани, бу европалик ишбилармонларга республикада муваффақиятли бизнес юритиш иштиёқини қучайтираётганини билдирди. Албатта, буларнинг барчаси юртимизда ушбу соҳани янада ривожлантириш борасидаги комплекс чора-тадбирлар, тадрижий ислохотлар самарасидир.

Шу ўринда қайт этиш жоизки, юқоридаги муҳим қарор давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари" мавзuidaги халқаро конференциядаги нутқи, шунингдек, мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида белгиланган вази-ларни бекаму кўст амалга оширишга кенг йўл очади.

Элдор ТУЛЯКОВ,
Мухтабар ҲУСОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари.

Ғолиблик муборак, азиз устозлар!

Реклама ўрнида

КУЧ — БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

«Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови вилоят босқичи ғолиблари

Халқ таълими тизимида фаолият олиб бораётган фан ўқитувчилари орасидан ижодкор, ташаббускор ва фидойиларини аниқлаш ҳамда уларнинг ижодий фаоллигини ошириш, ёшларни баркамол шахслар этиб тарбиялаётган, инновацион технологиялардан унумли фойдаланиб, самарали натижаларга эришадиган ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида Тошкент вилояти миқёсида «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Вилоят босқичига қадар иштирокчилар умумтаълим мактабларида, туман, шаҳар босқичида фаол иштирок этиб, йўлланмани қўлга киритдилар.

Кўрик-танлов иштирокчилари энг яхши дарс ва таълимий тадбир ишланмаси, матбуотда чоп этилган методик материал, семинар ва конференциялардаги маъруза матн-

лари, тўғарак машғулот режаси ва ишланмалари жамланмасини яраттиди. Шунингдек, умумтаълим мактаби ўқувчиларининг фанларни ўзлаштириш сифатини оширишдаги муаммо ва ечимлари бағишланган инновацион педагогик лойиҳа ишлаб чиқдилар.

«Мен ўқитувчиман» шиори асосида ўқитувчининг таълим жараёнидаги ўрни, жамият тараққиётидаги роли, фаолиятидаги педагогик тамойиллари ва сифатли таълим бериш мавзуларида тақдирот килдилар. Иштирокчилар «Дарсдан ташқари машғулот»га алоҳида ёндашдилар.



Мавлуда Маматкулова — 1975 йилда туғилган. Бекобод шаҳридаги 16-умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси. Таълим соҳасидаги фаолияти — 21 йил.

Шиори: Мақсад сари доимо интил!
Мустақил Ўзбекистон тақдирига бефарқ бўлмаган, теран фикрли, Ватанга садоқатли ёшларни тарбиялаб вояга етказишни ўқитувчилик бурчи деб билади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек: «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир».

Ўқувчиларга билим бериш жараёнида баҳс-мунозара, мусобақа, ақлий ҳужум, давра суҳбати каби замонавий интерфаол усуллардан, электрон дарсликлардан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Шунингдек, мавзулар юзасидан намунали дарс ишланмалари, кўргазмали куруллар, маърузалар тайёрлаб, дарс мазмуни ва сифатини ошириш йўлида изланишлар олиб бормоқда.



Муҳаммаджон Ғуломов — 1984 йилда туғилган. Олмалиқ шаҳридаги 23-умумтаълим мактаби давлат ва ҳуқуқ асослари фани ўқитувчиси.

Таълим соҳасидаги фаолияти — 6 йил.
Шиори: Мен Ватаним ва ўз касбимни севаман!

Халқ таълими вазирлигининг «Дарс муқаддас», «Ўрган — ўргат», Устоз-шогирд мактаби», «Яхши муаллим — сифатли таълим» тавсияларига риоя этиб, муттасил изланишда.

Дарс жараёнида кун шиорларидан мунтазам фойдаланишга ҳаракат қилади. Бунда Юртбошимизнинг фикрлари, халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар (афоризмлар), хусусан, Алишер Навоийнинг пурмаъно, ҳаётий ҳикматларига мурожаат этади.

Ҳозирги кунда ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларда ҳуқуқий компетентликни шакллантиришда энг таъсирчан ва самарали йўللари топишга интилмоқда.



Дилдора Расулова — 1977 йилда туғилган. Пискент туманидаги 4-умумтаълим мактаби география фани ўқитувчиси.

Таълим соҳасидаги фаолияти — 22 йил.

Шиори: Бешиқдан қабргача илм изла!
Юртимиз келажаги бўлган ёшларга билим бериш, уларни баркамол ва миллий мафкурамиз ғояларига содиқ шахслар қилиб тарбиялашга ўта жиддий вазифа сифатида қарайди. Инновацион педагогик ва ахборот технологияларини пухта эгаллаб, уларни дарс жараёнига самарали татбиқ қилишга бор имкониятини сарфлашга доим тайёр.



Сурайё Сайдумарова — 1972 йилда туғилган. Пискент туманидаги 1-умумтаълим мактаби меҳнат таълими фани ўқитувчиси.

Таълим соҳасидаги фаолияти — 21 йил.
Шиори: Интилганга толе ёр!

Бугунги кун ўқитувчиси замон билан ҳамнафас бўлмоғи лозим. У, аввало, ўз касбини, ўқувчиларини яхши кўриши керак. Чунки, меҳр билан баҳариланган ҳар қандай иш ўз натижасини беради.

Сурайё опа ҳам ўқувчиларни гўзалликни ҳис қиладиган, ундан завқланидиган, меҳнатни севадиган ва унинг қадрига етказган инсонлар қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратади. Дарс сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида компьютер технологияси ва янги педагогик технологиялардан унумли фойдаланади.

Ўқувчиларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш мақсадида, «Ҳаёт боғининг гуллари» деб номланган тўғарак ташкил этган. Унда қизларни ҳар томонлама ҳаётга тайёрлашга алоҳида эътибор қаратади. Ҳар бир ўқувчи юртимиз эртаси, Ватанимиз келажаги эканлигини ҳис қилган ҳолда изланишда давом этмоқда.



Қаҳрамон Эгамкулов — 1987 йилда туғилган. Бекобод шаҳридаги 12-умумтаълим мактаби тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси.

Таълим соҳасидаги фаолияти — 6 йил.

Шиори: Олтин, кумуш муваққат, илм эса мандурид!

Тасвирий санъат ва чизмачилик фанини ўқитишда ўқувчи-ёшларга бор билимини бериб келмоқда. Уларнинг вақтини мазмунли ва фойдали ўтказиш мақсадида «Ёш архитекторлар» тўғрагини ташкил қилган.

Фани самарали ўқитиш борасида тушунчалар, овал ва шу каби ўзлаштирилиши мураккаб мавзуларни ўқитиш усулларини тадқиқ қилиб келмоқда. Изланишлари натижаси 2016 йил 15 мартда бўлиб ўтган «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури — «Ўзбек модели»нинг ажралмас қисми» мавзусидаги ёш олимлар ва талабалар илмий-амалий конференциясида эълон қилинди. Тасвирий санъат ва чизмачилик фанини ўқитишга қаратилган бир қатор услубий материаллар ва ўтказилган маҳорат дарслари шахсий веб-сайти (www.sirkul.zn.uz)дан ўрин олган. Ёш авлодга билим бериш, она Ватан, юрт тараққиётига хизмат қилувчи авлодни тарбиялаш, дарсларни замонавий талаблар даражасида ташкил этиш, фан янгиликларини таълим жараёнига мунтазам татбиқ қилиб бориш фаолиятининг асосини ташкил қилади.



Марҳамат Жўраева — 1985 йилда туғилган.

Паркент туманидаги 16-умумтаълим мактаби француз тили фани ўқитувчиси.

Таълим соҳасидаги фаолияти — 6 йил.

Шиори: Фақат олға интилиш!

Муҳтарам Президентимизнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Қарори қабул қилинган, ёшлар орасида хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқиш янада кучайди. Бу эса чет тили ўқитувчилари зиммасига жиддий масъулият юклаб, катта фидойиликни талаб қилмоқда. Ўқувчиларнинг етук билимли бўлишлари, ривожланган мамлакатлардаги тенгдошлари билан рақобат қила олишлари, эркин фикр алмашишлари, дунёдаги янгиликлар билан дўстона алоқаларини мустаҳкамлаш, француз тилида ҳам ўз она тилидек равшан сўзлаша олишлари учун бор билим ва салоҳиятини ишга солишга, барча биланларини уларга ўргатишга ҳаракат қилади. Юртбошимиз таъкидлаганларидек: «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт». Ана шу мақсад йўлида хизмат қиладиган ватандошларимиз сафида турганидан фахрланади.



Юлия Ҳафизова — 1987 йилда туғилган. Қибрай туманидаги 14-умумтаълим мактаби жисмоний тарбия фани ўқитувчиси.

Таълим соҳасидаги фаолияти — 8 йил.

Шиори: Доимо ҳаракатда бўл!

Иш фаолияти давомида «Спорт маликаси», «Веломарафон», «Касаба тур», «Баркамол авлод», «Универсиада» ва Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан ўтказилган турли спорт мусобақаларида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб, диплом ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Шунингдек, 2014-2015 ўқув йили якуни бўйича «Йилнинг энг ёш ўқитувчиси» номинациясининг ғолиби бўлди. Ўз касбини севиш, она-юрт учун хизмат қилиш, ёшларни баркамол шахс сифатида тарбиялашни ҳаётининг мазмуни деб ҳисоблайди. Ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш орқали Ватанимиз ривож, юртимиз фаровонлигига ҳисса қўшаётганидан фахрланади.



Сайёра Шерматова — 1975 йилда туғилган. Чирчиқ шаҳридаги 24-умумтаълим мактаби она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.

Таълим соҳасидаги фаолияти — 18 йил.

Шиори: Катра-катра йиғилиб, дарё бўлур.

Болаларни севамаган, уларга меҳр қўймаган инсон ўқитувчи бўла олмайди. Болага чинакам шахс сифатида қараган ўқитувчи — ҳақиқий ўқитувчидир, деб ҳисоблайди. Ўқитувчи янгиликка интилиши, ўрганиши, ижод қилиши, ўқувчиларига ўрناк бўлиши лозим, деган фикр билан фаолиятини бошлаган. Чунки, Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги кунининг дунё ҳамжамиятидаги ўрни таълим-тарбия бераётган устозларга боғлиқ. Ўқувчиларни юксак салоҳиятга, дунёқароши кенг, меҳнатсевар, изланувчан, мустақил юртимизнинг келажаги учун хизмат қиладиган, ҳаётда муносиб ўрин эгаллайдиган баркамол инсонлар бўлиб вояга етишиши йўлида тинмай меҳнат қилишга, изланишга доим тайёр.



Дилором Жўраева — 1981 йилда туғилган. Чирчиқ шаҳридаги 8-умумтаълим мактаби биология фани ўқитувчиси.

Таълим соҳасидаги фаолияти — 14 йил.

Шиори: Ватан равнақи йўлида фидойилик билан хизмат қилиш ва қомил инсонни тарбиялашга ўз ҳиссасини қўиш.
Юксак билимли ва интеллектуал салоҳияти юқори ёш авлодга таълим-тарбия беришда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда инновацион усуллардан фойдаланиб, таълим самарадорлигини оширишга ўз ҳиссасини қўиш келмоқда. Ўқувчилар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, йўл ҳаракати қоидаларини тушунириш, диний экстремизмнинг олдини олиш, маҳалла фаоллари билан ёшлар тарбиясига қаратилган давра суҳбатларида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда фаол иштирок этади. Мактабда ташкил этилган «Сирли табиат» тўғрагида жонли бурчак ташкил этиб, ўқувчиларнинг табиат оламига, ҳайвонот дунёсига бўлган қизиқишларини янада орттиришга, билимларини бойитишга ҳаракат қилмоқда.



Муҳайё Беркинбоева — 1977 йилда туғилган. Юқори Чирчиқ туманидаги 7-умумтаълим мактаби мусиқа маданияти фани ўқитувчиси.

Таълим соҳасидаги фаолияти — 15 йил.

Шиори: Биланларимни ўргатаман, билмаганларимни ўрганиб мақсадимга эришаман!

Ҳозирда таълим соҳасида ўқитишнинг янги усул ва усулларини қўллаш ва татбиқ этиш долзарб масалалар қаторига киритилган. Бунга фан ўқитувчилари жиддий ёндашишлари, ўз устида тинмай изланишлари керак бўлади. Ўқитувчи фақат билимлар тизимини берибгина қолмай, уларни ҳаётда қўлай олишларига йўналтиришга, муаммолар вазиятда ечим йўлларини топа олишга, фикрларини саводли ва мантиқан тўри ифодалашга ўргатмоғи лозим, деб ҳисоблайди.



Гулшан Мавлонова — 1985 йилда туғилган. Ўрта Чирчиқ туманидаги 20-умумтаълим мактаби немис тили фани ўқитувчиси.

Таълим соҳасидаги фаолияти — 5 йил.

Шиори: Ҳикмат изласанг, ҳикмат топасан!

Дарсларни ташкил қилиш жараёнида замонавий педагогик технологиялардан унумли фойдаланиб, билим самарадорлигини оширишга ҳаракат қилиб келмоқда. Дарс жараёнида кўплаб дидактик ўйинлардан ва ўқувчилар ёшига мос мавзуга доир қўшиқлардан фойдаланади. Дарсларидаги ўзига хос жараёнлардан яна бири ўқувчилар билимларини дарсликдан ташқари қўшимча материаллар билан бойитади. Тўғаракларда немис адабиёти ва бошқа ибратли ҳикоя ҳамда асарлар билан таништириб бориш асосида баҳолаб, уларнинг дунёқароши ҳам бойитишга ҳаракат қилмоқда.

«Ҳар бир дарс — ижод, ҳар бир бола — келажак» сўзларини ўзига дастуриламал қилиб олган ҳолда бугунги дарс кечаги дарсдан қизиқариқор, ўзгача бўлишга ва ўқувчи қалбида шу фанга қизиқиш уйғотишга ҳамда дарс жараёнида фақатгина немис тилидан билим бериб қолмасдан, ёшларни Ватанга садоқат, ватанпарварлик, миллий ғурур ва ифтихор, эртанги кунга умид руҳида тарбиялашга ҳаракат қилиб келмоқда.



Жавлон Умиров — 1990 йилда туғилган. Ўрта Чирчиқ туманидаги 52-умумтаълим мактаби она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.

Таълим соҳасидаги фаолияти — 5 йил.

Шиори: Баланд миноралар ҳам ердан бошланади.

Меҳнат фаолияти давомида ўқувчиларга таълим-тарбия бериш жараёнини пухта ташкил этишга ҳаракат қилиб келмоқда. Дарсларда замонавий педагогик технология ва интерфаол усуллардан унумли фойдаланиб, дарс самарадорлигини юқори даражага кўтаришга интилмоқда. Замонавий ўқитувчи сифатида интерфаол усул ва технологияларнинг «Ақлий ҳужум», «ФСМУ», «Т схемаси», «SWOT-таҳлил», «Ҳа-йўқ», «Бешиқчи ортиқча», «БББ», «Блум мойчечак», «Синквейн», «Блис-ўйин», «Чархалак», «Соя-бон», «Кластер», «Чайворд», «Бумеранг», «Тушунчалар таҳлили», «Ассесмент», «Муаммолар ўқитиш», «Кичик гуруҳларда ишлаш», «Венн диаграммаси», «Идрок харитаси», «Кейс-стади», «Тескари тест» каби усулларидан кенг фойдаланади. Ҳозирги техника тараққий этган глобаллашув замонида ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида дарсларни АКТ асосида ташкил этиб келмоқда.



Рахшона Уралова — 1982 йилда туғилган. Қибрай туманидаги 19-умумтаълим мактаби иқтисодий билим асослари фани ўқитувчиси.

Таълим соҳасидаги фаолияти — 19 йил.

Шиори: Олим бўлсанг, олам сеники!

Иқтисодий билим асослари фанининг ўқувчилар томонидан чуқур ўзлаштирилишига ўз ҳиссасини қўиш келмоқда. Ўқувчиларни фан олимпиадалари ва билимлар беллашувларида иштирок этиб, муносиб ўринларни эгалламоқда. Уларни оилада тежамкорлик, савдо-сотик, истеъмолчи ҳуқуқлари бўйича билим ва кўникмаларини шакллантириб, нафақат иқтисодий, балки ижтимоий қарорларга оқилона ёндашган ҳолда муносабат билдиришга ўргатишга ҳаракат қилади. Дарсларида турли интерфаол усулларни қўллаб, улар воситасида чуқур билим беришга, ўқувчилар қизиқишини оширишга интилади. Иқтисод фанини ўқитишга оид дарс ишланмалари, «Тадбиркорлик» мавзусида ўқув-услубий қўланмалар, тест китобчалари яратган.



Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси ва Вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг маънавиятини ошириш институти жамоаларини ушбу ўқитувчиларга республика босқичида омад тилаб қолади.




Спорт

Бўстонлик туманидаги "Алleur" от спорт клубида Жаҳон кубогининг Марказий Осиё лигаси биринчи саралаш босқичи якунланди.

БОШ СОВРИН ЧАВАНДОЗЛАРИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқаро от спорт федерацияси ҳамда мамлакатимиз от спорт федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистондан жами 30 дан ортиқ моҳир чавандоз солиҳлик учун баҳслашди.



Мусобақанинг дастлабки кунидида шахсий беллашув ва икки босқичли баҳсларда чавандозларимиз муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни эгаллагани ҳақида аввал хабар берган эдик.

Жаҳон кубоги саралаш босқичи – Гран-при баҳслари янада қизиқарли ва мurosасиз кечди. Энг кучли спортчилар иштирок этган баҳсда ёш чавандозимиз Нуржон Туяқбоев "Кинг Корнет Л" лақабли отида 150 сантиметр баландликдаги тўсиқлардан от сакратишда 88,9 сония натижа қайд этиб, олтин медални қўлга киритди. Қирғизистонлик Комил Собитов "Чарлизе" лақабли оти билан иккинчи, яна бир чавандозимиз Файрат Назаров "Ку-

аттро Жуниор" лақабли оти билан учинчи ўринни эгаллади.

Мусобақа доирасида ўтказилган анъанавий "Миллатлар кубоги" жамоавий баҳсларида Феруз Абдуллаев, Нуржон Туяқбоев, Оқил Собиржонов ва Файрат Назаровдан иборат терма жамоамиз бош совринни қўлга киритди.

Шунингдек, турли баландликдаги тўсиқлардан от сакратишда Абдулдушкур Собиржонов, Умид Комилов, Оқил Собиржонов ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.

И. АВВАЛБЕКОВ,
ЎЗА мухбири.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ВА ОСИЁ РЕКОРДЧИСИ

Ўзбекистонлик паралимпиячилар Португалияда ўтаётган сузиш бўйича Европа очик чемпионатида муваффақиятли иштирок этмоқда.


Паралимпия

Мусобақанинг дастлабки кунидида хотин-қизлар ўртасида 100 метрга баттерфляй усулида сузиш бўйича Муслима Одилова 1:04.98 натижа кўрсатиб, жаҳон рекордини, яна бир спортчимиз Шоҳсанам Тошпўлатова 1:05.81 натижа билан Осиё рекордини янгилади.

Эркаклар ўртасида 100 метрга баттерфляй усулида сузишда Кирилл Паньков 00:57.97 натижа қайд этиб, янги Осиё рекордини ўрнатди.

Мусобақа 7 майга қадар давом этади.

Б. АЙМУРОВО,
ЎЗА мухбири.



БАХТУ ШОДЛИК ОШЁНИ

"Оилалар саодати – мустақиллик самараси" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танлов

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши, вилоят хотин-қизлар кўмитаси ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган танловда унинг қўйи босқичларида юқори натижа қайд этган 13 оила вакиллари иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида аҳоли фаровонлигини ошириш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш-

га қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар берётгани таъкидланди.

Беллашув тўрт босқичда ташкил этилиб, иштирокчилар оилавий анъана ва миллий урф-одатлар, юрт тараққиётида мустақам оиланинг ўрни, баркамол авлод тарбиясида нималарга эътибор қаратиш лозимлиги бўйича ўз билим ва кўникмасини намойиш қилди.

Оҳангаронлик Бозоралиевлар оиласи биринчи ўринни эгаллади ва танловнинг минтақавий босқичига йўлланма олди.

ЎЗА.

Реклама ва эълонлар

Тошкент вилояти ҳокимлиги йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти, шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларида йўловчилар ташиниш ташкил этиш вилоят комиссиясининг 2016 йил 27 апрелдаги 9-сонли баённомаси қарори билан

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 сентябрдаги "Шаҳарда ва шаҳар атрофида қатнайдиغان йўловчи ташиш транспорти хизматларининг тарифлари тўғрисида"ги 455-сонли қарорига асосан, Тошкент вилояти йўловчи ташиш транспорти корхоналарининг шаҳар атрофи йўналишларида йўловчи ташишдан зарар кўриб фалокат олиб боришларининг олдини олиш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, йўловчи ташиш транспорти самарадорлигини ошириш мақсадида, ёқилғи-мойлаш ма-

териаллари ва эҳтиёт қисмлари таннархи ҳамда бошқа харажатлар ошганлиги муносабати билан Тошкент вилояти шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларида қатнайдиغان йўловчи ташувчи транспорт хизматлари тарифлари қуйидаги миқдорда белгиланганлигини маълум қилади:

1. Шаҳар атрофи автобус йўналишларида 1 йўловчи километр учун - 80 сўмдан 90 сўмгача;

- шаҳар атрофи автобус йўналишларининг масофаси 11,5 км.дан кам бўлган йўналишларида йўлқира ҳақи миқдори 1000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда.

Бу йўналишларда ташишга рўхсат этилган ҳар бир юк ўрни учун - 1000 сўм.

2. Шаҳар атрофи йўналишли такси йўналишларида 1 йўловчи километр учун - 100 сўмдан 115 сўмгача;

- шаҳар атрофи йўналишли такси

йўналишларининг масофаси 11,5 км.дан кам бўлган йўналишларида йўлқира ҳақи миқдори 1300 сўмдан кам бўлмаган миқдорда;

- Тошкент вилоятининг турли ҳудудларидан Тошкент шаҳрига кириб келувчи шаҳар атрофи йўналишларида Тошкент шаҳри ичида ҳаракатланганда йўлқира ҳақи миқдори 1 йўловчи учун автобус йўналишларида 1200 сўм ва йўналишли такси йўналишларида 1500 сўм миқдориди.

3. Йўналиши таксиларда йўловчиларни ташишда йўлқира ҳақининг чекланган нархи босиб ўтилган 1 километр масофа учун "Эконом класс" тоифасидаги ("МАТИЗ", "СПАРК", "НЕКСИЯ" русумли) автомобиллар учун - 600 сўм, "Бизнес класс" тоифасидаги ("КОБАЛТ", "ЛАСЕТТИ", "ЭПИКА" русумли) автомобиллар учун - 900 сўм миқдориди белгиланганлигини маълум қилади.

Мазкур қарор расмий эълон қилингандан сўнг ўн беш кундан кейин амалга киритилиши инobatга олинсин.

"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

1. Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти Фуқаролик ишлари бўйича Ўрта Чирчиқ туман судининг 2014 йил 25 феврал кунидида ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Қорасув ҚФЙ, "Дўстлик" маҳалласи, Баланд кўприк кўчаси, 11-уй манзили бўйича жойлашган, умумий ер майдони 182,15 кв.м, яшаш майдони 123,28 кв.м. бўлган "уй-жой" савдога қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси - 70 312 000 сўм.

2. Тошкент вилояти, Ян-

гийўл тумани СИБ томонидан:

Тошкент вилояти Фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судининг 2016 йил 27 январь кунидида 1-806/16-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, А. Ортиқов ҚФЙ, Наврўз кўчаси, 3-уй манзили бўйича жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 712,0 кв.м. бўлган, "уй-жой" савдога қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси - 23 444 775 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 6 июнь кунини соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин (аризаларни қабул қилишнинг охириг мўддати: 2016 йил 6 июнь кунини ўтказиладиган савдоларга 2016 йил 3 июнь соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилиари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қат-

нашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Лицензия RR-0148.

"КО'Р ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС МУЛК SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Тошкорий аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 12.02.2016 йилдаги 10-1511/27386-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич нархи - 438 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Чигил кўчаси, 2-уйда жойлашган, умумий майдони 414,0 кв.м., фойдалани майдони 344,13 кв.м.дан иборат бўлган савдо дўкони қўйилмоқда. Такрорий аукцион савдолари 2016 йилнинг 20 май кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини "КО'Р ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС МУЛК SAVDO"

МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилиари бўлимининг вакили иштирокида бевосита савдога чиқиш танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кўнлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Ҳужжатларни қабул қилиш кимосиди савдоси ўтказилишига бир иш кунини қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия № 0039.

САЛОҲИЯТ НАМОЙИШИ

Шу кунларда вилоят ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими ташаббуси билан "Юксак маънавиятли авлод" фестивалининг шаҳар ва туман босқичлари ўтказилмоқда.

Тарғибот ойлиги

Фестивалнинг тарғибот ойлигини бошлаб берган Бўстонлик тумани ва Чирчиқ шаҳрининг иқтидорли ёшлари танлов шартларида кўра Президент асарлари ва мустақиллик тарихи билимдонлари, асарларида миллийликни акс эттираётган истеъдодли рассом, дизайнер, ҳунарманд, анъанавий қўшиқчилик ва эстрада хонандалигини пухта ўзлаштирган маънавиятли авлод сифатида намойиш этишди. Бўстонликда 120, Чирчиқда 310 нафардан ортиқ ёшлар иштирок этган фестивал иқтисодий шериклик асосида, хотин-қизлар кўмиталари, "Камолот" ЁИХ, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида кўтаринки руҳда ўтди. Ғолиблар фестивалнинг вилоят босқичига йўлланма, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Сайёра ЭШМАТОВА.

Жиноятга жазо муқаррар

дан узоқ сафсаталарни кўриб, томоша қилганини эслаб, баданидан совуқ тер чиқиб кетди, бунинг оқибати ёмон бўлишни тушунтириш энди маҳол эди Ҳасанга...

Лекин, уйга қайтар чоғи, нимагадир укаси берган ноутбукни олиб кетишга рози бўлди. Зангиота туманидаги "Ғишт-кўприк" чегара божхона комплексидида текширувда аниқланган ҳолатлар хусусида тушунтириш берар экан, ноутбук хотира-сидига видеороликлардан умуман хабари йўқлигини

«ОНАМ ЎЛСА... ЙИҒЛАМАЙМАН!»

Бу ақли расо одамнинг гапими?

Бўка туманилик Толибжон Юнусов айни гуркираган йигит ёшида суднинг қора курсисидида ўтириб, шулар ҳақида ўйлар экан, афсус, вақтни ортга қайтариб бўлмаслигида ўқинди. Агар бунинг иложи бўлганида, эҳтимол ҳеч қачон бу йўлга қирмаган, укаси Ҳасанни ҳам қайтарган бўларди... Лекин, энди кеч. Чунки, жиноят жазосиз қолмайди. Балки у ўзини айбисиз ҳисоблар. Ўз наздида у оддийгина компьютер, "АСЕР" русумли ноутбукни уйига олиб келатган эди. Унинг хотирасида одамларни тўғри йўлдан тойдириб, "жиҳод", "хижрат"га даъват этувчи диний-экстремистик руҳдаги видеороликлар борлигини билмаган эди-да?! Аслида ҳам шундаймикан?

Укам билан Россия Федерациясининг Подмосковье шаҳридаги мева-сабзавот базасида ишлардик, - дея ҳикоя қилади у. - Биз билан яна тожикистонлик Дилмурод, Рустам исмли ёши каттароқ кишилар ҳам турар, укам нимагадир улар билан жуда яқин бўлиб қолган, кўп гаплашишар, аллақандай видеоларни кўриб ўтиришарди. Бир-икки бор мен ҳам қизиқиб, кўрмоқчи бўлдим. Лекин...

Мен укамни бундай хато йўлдан қайтармоқчи эдим, бироқ у оз фурсатда бутунлай бошқа одамга айланиб қолгандек эди... Укам Ҳасан билан доим бирга бўлолмадим. Қурилишда бошқалар билан ишлаган, Обит, Салим, Жам-

гаплашиб: "Нега онамизни туғилган кўнлари билан табрикламадинг?" дея сўроққа тутадилар ва укасининг жавобларидан ҳайратга тушади:

- Мен уйга кўнгирак қилмайман, мумкин эмас, - дейди у совуққонлик билан. - Нима бўпти, туғилган кунини бўлса... Янги йил ҳам биз учун байрам эмас. Ҳатто онам ўлса ҳам йиғламайман... Ундан кўра сиз ҳам мана бу видеоларни кўринг, тушунасиз...

Толибжон укасининг ҳамхоналари, ижара уйда танишган акахонлари нима учун уни ёқтиришмай, "ёвқараш" қилишаётганининг маъносини тушунгандек бўлди. Бир марта видеода "жиҳод", "хижрат"га даъват этувчи вайронкор, бузғунчи ғояларни тарғиб этаётган узун-

"Сўнгги пушаймон - ўзингга душман", дейдилар. Шу боис, суд унинг божхона назоратини четлаб, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидаларастликни тарғиб қилувчи материалларни яширинча олиб киришга уринганини исботлаб, унга узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Хулқар НУРМАТОВА.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Файрат
ШЕРАЛИЕВ

Манзил:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@uam.uz

Қабулхона:
Бўлим муҳаррирлари ва
мухбирлар:
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
233-38-23, 233-48-08.
233-81-21, 233-65-59.
233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
руйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер марказида
терилиш ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ